

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 72.03

МАМАТМУСАЕВ ТОХИР ШАЙДУЛОВИЧ

УЛУҒБЕК ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ
(XV асрнинг 1-ярми)

18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи,
архитектура ёдгорликларини таъмирлаш

Архитектура номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Иш Тошкент архитектура–қурилиш институтининг “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: архитектура доктори, профессор
Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна

Расмий оппонентлар: архитектура доктори, профессор
Аҳмедов Муҳаммаджон Қосимович

архитектура номзоди
Зияев Абдуманноп Абдурахимович

Етакчи ташкилот: **Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти**

Ҳимоя Тошкент архитектура–қурилиш институти ҳузуридаги
К.067.03.02 рақамли бир марталик ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил “-
____” _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7.
тел.: (99871) 241-32-66, 241-12-73. Web-site. www.taqi.uz

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти
кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13

Автореферат 2011 йил “ ____ ” _____ да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, архитектура
номзоди, доцент

Ш.З.Нурмухамедова

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий қадриятларимиз, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимизга, қадимги анъаналаримизни қайта тиклашга бўлган эътибор анча ошди, жумладан, тарихий обидаларимизга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда жамиятимизда буюк бобокалонларимиздан мерос бўлиб қолган ёдгорликларнинг инсон маънавияти ва маърифатини оширишдаги ўрни, қолаверса шаҳарсозликдаги аҳамияти беқиёсдир. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан республикаимизда маъориф ва таълим тизимини такомиллаштириш, ёш авлодни баркамол ва комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим вазифалар қаторига киритилди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ватанимиз тарихида маънавий сарчашмаларга бой даврлар жуда ҳам кўпдир. Шундай юксак даврлардан бири темурийлар давридир. Бу даврни тўлиқ ва тўғри ўрганиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Шу борада, мухтарам Президентимиз томонидан 1994 йилни “Мирзо Улуғбек йили”, 1996 йилни эса “Амир Темури йили” деб эълон қилиниши ҳам шундан далолат бериб турибди.

Мирзо Улуғбек даври меъморчилиги (XV асрнинг 1-ярми) архитектура тарихида етарли даражада таҳлил этилмаган. XV асрнинг 1-ярмига оид мавжуд турли тарқоқ материаллар ҳозирда ўз тадқиқотини кутиб турибди. Мирзо Улуғбек даври меъморчилиги бўйича ҳозирги кунга қадар комплекс тарзда илмий тадқиқот яратилмаганлиги ва ушбу даврни тўла қамраб олган бирор йирик монография эълон қилинмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун жаҳон астрономия дунёсини ларзага солган, олти юз йилдан ортиқ вақт ичида жаҳон олимлари тилида ва дилида дoston бўлган буюк Султон, беназир аллома олим Мирзо Улуғбек ҳаёти, илмий фаолиятини ўрганиш ва тадбиқ этиш натижасида маълум бўлаётган илмий кашфиётлар ханузгача башариятни лол қолдирмоқда. Кўплаб кичик илмий монографиялар, унинг сиёсатчилик ва иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти, илмий ва маърифий меросини ўрганиш, бўйича очилган жабҳалар Мирзо Улуғбекнинг кўп қиррали фаолиятини очиб бериш билан бирга, унинг номини мангуликка муҳрламоқди. Шундай бўлсада, кейинги даврда Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, ҳукмдорлик сиёсати ва иқтисодий ислохотлари, шаҳарсозлик, ислом дини ва маънавиятни кенг тадбиқ ва ташвиқ этиш йўлидаги янги қирралари очилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мирзо Улуғбек даври тарихи Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, Б.Аҳмедов, В.Л.Вяткин, Б.Валихўжаев, Т.Н.Қори-Ниёзий,

Ў.Алимов ва бошқалар томонидан ўрганилган, таҳлил этилган. Шунингдек, Мирзо Улуғбек даври архитектураси ҳақида бир неча мақолалар ва китоблар чоп этилган. Г.А.Пугаченкова, В.А.Шишкин, В.А.Лавров, Л.И.Ремпель, М.С.Булатов, Б.Н.Засипкин, В.А.Нильсен, Л.Ю.Маньковская, И.Е.Плетнев, П.Ш.Зоҳидов, А.С.Ўролов, М.Қ.Аҳмедов, Ш.Д.Асқаров, Д.А.Нозилов, М.А.Юсупова, Г.И.Коробовцев ва бошқа олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидан. Лекин давлат архивларида Мирзо Улуғбек мадрасалари ва бошқа XV асрнинг 1-ярми обидаларининг ўлчов чизмалари, қадимшуносларнинг тадқиқот ҳисоботлари, айрим таъмир лойиҳалари ва бошқа материаллар шу вақтга келиб ҳам жамланмаган ва ўз тадқиқотчисини кутиб турибди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ТАҚИда бажарилаётган ОТ-Ф8-146-сонли “Ўзбекистон шаҳарсозлиги мероси ва замонавийлик” номли фундаментал мавзу бўйича қилинаётган илмий-тадқиқот ишига мувофиқ келади.

Тадқиқот мақсади: Мирзо Улуғбек даври шаҳарсозлиги ва меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш ва хулосалар чиқариш, обидаларни архив материалларидан фойдаланган ҳолда ва натурада мукамал тадқиқ этиш, жумладан бизнинг давримизгача етиб келмаган боғлар таркибидаги кўшк-саройларни тиклаш бўйича график таклиф чизмалар бериш.

Тадқиқот вазифалари:

- XV асрнинг 1-ярмидаги шаҳарларни режавий таҳлил қилиш;
- Темурийлар даври шаҳарларида меъморий мажмуаларнинг шаклланиши ва уларнинг архитектуравий ечимларини таҳлил қилиш;
- Мирзо Улуғбек даври иншоотларининг тасниф тизимини ўрганиш ва ишлаб чиқиш;
- Мирзо Улуғбек даври иморатларида қўлланилган архитектуравий шакллар, конструктив элементлар ва меъморий безакларни ўрганиш;
- Меъморий шакллар мутаносиблигини эътиборга олган ҳолда XV аср 1-ярмидаги айрим обидаларнинг дастлабки кўринишларини график тиклаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Мирзо Улуғбек томонидан қурилган иморатлар ташкил этади. Тадқиқот предметини Мирзо Улуғбек даври (XV асрнинг 1-ярми) маданий-меъморий жараёни ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Архив, график ва нашрий материалларни ўрганиш, картографик манбаларни таҳлил қилиш ҳамда меъморий обидаларда бевосита кузатив олиб боришдан иборат. Мирзо Улуғбек даври архитектураси Амир Темур даври билан қисман таққосланди. Тадқиқотда кўпроқ “умумийликдан хусусийликка” ўтиш тамойили қўлланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Мирзо Улуғбек даври шаҳарсозлиги юксак даражада ривожланганлиги ва шаҳар тузилишида майдонларнинг аҳамияти катталиги;
- Дам олиш масканлари – боғ ва улар таркибидаги кўшк-саройларнинг ривожланганлиги;
- XV асрнинг 20-30 йиллари архитектура борасида айниқса алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги;
- Гириҳ безакларини яратишда “олтин нисбат” қондасининг роли;
- Юлдузсимон гириҳ безаклар аҳамияти XV асрнинг 1-ярмида ошганлиги;
- Мирзо Улуғбек ёдгорликларининг мустақиллик йилларида кўхна шаҳарларимизнинг “тарихийлашув” жараёнидаги ўрни.

Илмий янгилиги. Даврлар силсиласида қисман ёки тўлиқ бузилиб кетган, Мирзо Улуғбек яратган иншоотларни қайта тиклаш имкониятининг яратилиши. Жумладан, Боғи майдон таркибидаги бутунлай бузилиб кетган кўшк-саройни график қайта тиклаш чизмаси ишлаб чиқилди. XV асрнинг 1-ярмига оид кўпгина ёдгорликлар илмий, диний ва дунёвий иморатлар тарзида таснифланиб, уларнинг қурилиш санаси, жойи ва ҳозирги кундаги ўрни жадвал ҳолатига келтирилди. Бу жадвал XV асрнинг 20-30 йилларини меъморликнинг энг юксак босқичи сифатида белгилаш имкониятини берди. Юлдузсимон шаклдаги гириҳ безакларни яратишда “олтин нисбат” қондасининг мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. XV асрнинг 1-ярми архитектурасининг ўзига хос жиҳатлари ва бошқа янги маълумотлар илмий муомалага киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган ёдгорликларнинг архитектуравий ечимларини таҳлил қилиш ишнинг амалий қийматини белгилайди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Мирзо Улуғбек даврига қизиқувчиларга, шунингдек “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” фанидан дарслик ва услубий кўрсатмалар яратишда, “Ўрта Осиё архитектураси ва шаҳарсозлиги тарихи” фанини ўқитиш жараёнида, шунингдек маънавий-маърифий ишларда қўлланилиши мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институти “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинган. Тадқиқот Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти Архитектура факултети илмий семинарида, шунингдек Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузурида фаолият кўрсатаётган Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда синовдан ўтказилган ва ҳимояга тавсия берилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг қисмлари 10 та мақола ва тезис, 2 та илмий маъруза, 2 та лойиҳавий график таклиф орқали синовдан ўтказилган. Жумладан, 2 та мақола Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот мавзусига оид турли мақолалар “Архитектура. Қурилиш. Дизайн”, “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши”, “Мозийдан садо” журналларида, “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” дарслигида ва ТАҚИ илмий тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш қисми, 3 бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялардан ташкил топган. Матннинг ҳажми 152 varaқни, иллюстрацияси 45 планшетни, фойдаланилган адабиётлар рўйхати 134 тани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий қадриятларимизга, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимизга, қадимги анъаналаримизни қайта тиклашга бўлган эътибор анча ошганлиги, жумладан, тарихий обидаларимизга ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотда ҳозирги кунда жамиятимизда буюк бобокалонларимиз Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклардан мерос бўлиб қолган ёдгорликларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, қолаверса шаҳарсозликдаги аҳамияти бекиёслиги таъкидланган ва мавзунинг долзарблигига, ўрганилганлик даражасига, ишнинг мақсад ва вазифаларига, илмий янгилигига алоҳида урғу берилган.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИК ЕЧИМИ

Бу бўлимда XV асрнинг 1-ярмида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз ва Ҳирот шаҳарларининг схематик кўриниши, улар таркибидаги архитектуравий мажмуалар, боғлар таркибидаги кўшк-саройларнинг шаклланиши ва архитектуравий ечимлари ўрганилган.

Улуғбек даврида шаҳарларнинг (Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент) тархӣй тизими. Ҳаммамизга маълумки Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври (XIV аср охири - XV асрнинг 1-ярми) да йирик ва кўркам шаҳарлар қурилиши давлатнинг асосий вазифаларига кирган. Амир Темур ва унинг ворислари салтанат шаҳарларини ривожлантиришга ва дунёда уларнинг мавқеларини кўтаришга жуда катта эътибор беришган.

Темурийлар даврида Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Ҳирот ва бошқа шаҳарларнинг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳарлар арк ва ҳисордан иборат бўлиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесишган жойда ёпиқ савдо иншоотлари – чорсулар билан

ажралган. Жума масжидлари ва шаҳар бозори марказни ташкил этган, бош мадраса олдидаги майдонлар эса шаҳарнинг иккинчи марказини ифодалаган. Ҳунармандчилик касб–корига кўра аҳолининг табақаларига бўлиниши маҳалла, даҳа сингари шаҳар қисмларини келтириб чиқарган. Бош кўчалар ҳунармандчилик ва савдо расталаридан иборат бўлган. Кенг бўлмаган кўчалар майдон ва ҳовузлар билан аҳоли юриш, тўхташ жойларини ташкил этган. Таниқли олима, профессор Г.А.Пугаченкова темурийлар шаҳарларига қуйидагича таъриф беради: “арк-қалъалар – бу давлатнинг куч-қудрати, саройлар – ҳокимиятнинг шукуҳи ва савлати, ислом маданий бинолари – мусулмонлар мафкурасининг ғалабаси, бозор қурилмалари – ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривож, зич қурилган уй-жойлар – мураккаб шаҳарлар организмнинг танаси ва қонидир”^{*}.

Темурийлар даври шаҳарсозлигида Бухоро, Ҳирот, Марв ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тўғри тўртбурчак тарзда шаклланганлиги Ўрта Осиё кўп асрлик меъморий анъаналарининг давом эттирилганлиги натижасидир. Регистон номли бош майдонлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида тузилганлиги маълум. Диссертацияда бу шаҳарларнинг схематик тузилиши ва уларнинг таркибий қисмларига атрофлича тўхталиб ўтилган. Тадқиқот натижасида темурийлар даврида Самарқанд шаҳри рабоди бошқа шаҳарларга қараганда анча ривожланганлиги аниқланди. Бу ерда бир қанча боғлар яратилган, шунингдек Мирзо Улуғбек даврига келиб рабодларда савдо иншоотларидан ташқари кўплаб кўшқлар ва илмий иншоот (расадхона)лар ҳам қурила бошланган.

Улуғбек даври шаҳарсозлигида архитектуравий мажмуаларнинг тутган ўрни. Темурийлар даврларидаги меъморлар янги иншоотларни тиклашда уларнинг мавжуд бўлган иншоотлар билан ўртасидаги ўзаро боғлиқликни олдиндан ҳисобга олишган, уларни оқилона равишда мувозанатлаштирганлар. Шу тариқа бадиий услубнинг гўзаллик бўйича такрорланмас архитектуравий мажмуи вужудга келган, унда архитектуравий шакллар ва декорларнинг турли-туманлигида бус-бутунлиликнинг архитектуравий гармониясига эришилган. Бундай мажмуалардан Самарқанддаги Регистон ансамбли ва Шоҳи зинда мажмуаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Профессор М.Қ.Аҳмедов “Ансамбл тузилмаларининг шаклланиш шартларидан бири шулки, икки ёки бир неча бино учун маълум кўча, майдон, ҳовли ва ландшафт ёки уларнинг бирор қисми умумий композиция ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ансамблни ташкил этувчи иншоотлар авваламбор ўша асосга мослаштирилади. Бунда мана шу иморатларнинг кириш қисмлари композиция ўқлари, массаси, шакли, туси ва бошқа бадиий жиҳатлари шу асосда ўзаро мувофиқлаштирилади. Ансамбл бадиий баркамоллигининг нақадар юксак даражага эришганлиги ёки эришмаганлиги ушбу

^{*}Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты. -Т.: 1976, 10-бет.

мувофиқлаштиришнинг уйғунлашув даражасига боғлиқ бўлади” – деб ёзади.

XIV – XV аср меъморлари монументал мажмуаларни яратишда ягона ўқда ётувчи иккита бинони бир-бирига қаратиб қуришдек энг содда усулни қўллашган: бу икки бино баланд пештоқларга эга бўлган. Уларнинг биринчиси мавжуд бўлиб, иккинчиси гўёки биринчисининг кўзгудаги аксидек намоён бўлади, лекин улар композицияси билан бир-биридан фарқ қилади ва шу билан бир қаторда ўзаро мувозанатлашган. Бундай уйғунлик “қўш” деб аталган. Улар катта бўлмаган майдон ёки кўча орқали бир-биридан ажратилган. Амир Темур даврида Самарқанд ҳисори кўплаб тарихий ёдгорликлар қурилиши боис анча бойиди. Афсонавий Амир Темур жоме масжиди ва унинг қаршисидаги Сароймулкхоним мадрасаси, шахзода Муҳаммад Султон мадраса ва хонақоҳи, унинг ёнидаги Гўри Амир мақбараси, мазкур обида билан бир ўқда қурилган Рухобод мақбараси, қалъа ён бағрида бунёд этилган Нуриддин Басир мақбараси шулар жумласидандир. Лекин барибир Самарқандга асосий меъморий–ташкилий марказ етишмасди. Ва бу масалани Мирзо Улуғбек ҳал этди. У ҳукмронлигининг илк йилларидаёқ Регистон майдонини ободонлаштиришга киришди, бутун ва ягона меъморий фикрни шу ерда мужассам этди.

Мирзо Улуғбек шаҳарларда архитектуравий мажмуалар яратишга жуда катта эътибор берган. Бу мажмуалар шаҳарларнинг марказий қисмларига яқин жойда қурилган ва аҳоли энг кўп тўпланадиган жойларидан бири ҳисобланган. Улар таркибига турли типдаги иншоотлар: илмий – мадрасалар, диний – масжидлар ва хонақоҳлар, дунёвий – карвонсарой, савдо иншоотлари ва ҳаммомлар кирган.

Улуғбек даври боғларида кўшк архитектурасининг тараққиёти. Темурийларнинг Ўрта Осиёда боғ-истироҳатчилик санъатини юксак даражада ривожлантиришдаги хизматлари алоҳида диққатга сазовордир. Бу даврда Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида 14 дан зиёд бир-биридан кўркам боғ-саройлар, чорбоғлар, хиёбонлар яратилган. XIV-XV асрларда Ўрта Осиё боғларининг аксари маълум бир типда, яъни чорбоғ усулида қурилган. Бу боғлар марказий ўқларга асосланган. Ўқлар бўйича ўтган кўчалар кесишган жойда кўшк-саройлар барпо этилган. Кўшкнинг тўрт тарафи боғ бўлган. Бу типдаги ёдгорликларни график тиклаш чизмалари ва тархлари кўпгина олимлар, жумладан, Г.А.Пугаченкова, Ў.Алимов, П.Ш.Зоҳидов, А.С.Ўролов, Д.А.Нозилов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

К ў ш к – ўзбек архитектурасида боғ ичидаги ёзги бинони билдиради. Ҳозирги енгил айвон, шийпон каби иншоотларнинг энг мураккаби ва ҳашаматлиси кўшк архитектурасини мужассам этади. Устоз П.Ш.Зоҳидовнинг фикрларича, қадимги туркий атама кўшк дунё бўйлаб саёҳат қилиб, Европа орқали ўз ватанига “киоск – киоска” шаклида кириб келган. Лекин Амир Темур ва Мирзо Улуғбек давридаги подшо яшайдиган мухташам саройларнинг асосий биноси ҳам тарихий солномаларда кўшк деб аталган. Масалан, Оқсарой улуғ кўшки, Кўксарой улуғ кўшки, Дилкушо улуғ кўшки ва бошқалар. Тадқиқотда Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган

Боғи Майдон таркибидаги Чилсутун кўшкини график тиклаш чизмаси таклифи ишлаб чиқилган.

Бўлим бўйича хулосаларда темурийлар даври шаҳарсозлиги олдинги давр шаҳарсозлигига таянганлиги ва юқори даражада ривожланганлиги кўрсатилган. XIV-XV аср шаҳарлари тузилишини мудофаа деворлари, дарвозалар, майдонлар, архитектуравий мажмуалар, маҳаллалар, кўчалар, мавзелар, турар-уйлар, маъмурий-маиший иншоотлар, суғориш тизимлари, боғлар ва ўқ йўналишдаги кўчалар белгилаб берган. Бу даврда шаҳар рабодининг функцияси кенгайиб, унда савдо ва бозор иншоотларидан ташқари илмий иншоотлар ҳам қурила бошланган. Боғлар асосан чорбоғ усулида режаланган. Улар деворлар билан ўралган бўлиб, тўрт тарафида дарвозалари мавжуд бўлган. Баъзида дарвозалардан келадиган йўللар кесишган жойда ҳашаматли кўшк-саройлар бунёд этилган. Улар чордара усулида қурилганлиги сабабли тўрттала дарвозадан ҳам бир хил кўринган. Кўпгина кўшк-саройлар боғлар марказида жойлаштирилганлиги учун тинч-осойишта, ташқи шовқин-суронлардан холи бўлган. Буларнинг барчаси темурийлар шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатиб беради.

МИРЗО УЛУҒБЕК ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ

2-бўлимда XV асрнинг 1-ярмида Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган ёдгорликлар функциясига кўра (илмий, диний ва дунёвий) таснифланиб ўрганилади. Мазкур таснифга кўра илмий обидаларга – мадрасалар, мадрасайи-олиялар, академия ва расадхона; диний обидаларга – масжидлар, мақбаралар, хонақоҳлар, қорихоналар; дунёвий иншоотларга – бозор ва савдо иморатлари, қарвонсаройлар, ҳаммомлар, турар-уйлар ва бошқалар киради.

XV асрнинг 1-ярмида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда илмий иншоотлар архитектураси ва уларнинг ривожи. Амир Темур қурдирган кўп сонли саройлар, мақбаралар, ислом ва мусулмончиликка оид иншоотлар сулолавий характерга эга бўлса, Мирзо Улуғбек ҳам шунга қамроқ қамровда итоат этган ҳолда таълим-тарбия ва илм-фан масканлари қурилишига урғу берган. Чунки улар Мирзо Улуғбекнинг илм-фанга бўлган қизиқишига тўлиқ жавоб берган. Бу ерларда теологик фанлар билан бирга фалсафа, математика, фалакиётшунослик ва бошқа дунёвий фанлар бўйича маърузалар ўқилган.

XV асрнинг 1-ярмида юқори даражадаги илм масканлари – мадрасалар ва мадрасайи-олиялар муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг уч: Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон мадрасалари, шунингдек расадхонаси ўша даврларда меъморчилик санъатининг ва маънавиятнинг юксак поғонага кўтарилганлигидан дарак беради. X асрда Наршахий томонидан айтиб ўтилган Форжак ва XI асрда Самарқандда қурилган Қорахоний Тимғоч Боғрахон мадрасалари бизгача етиб келмаганлиги боис темурийларгача бўлган мадрасаларнинг қандай ривожланганлиги ҳозирча номаълум. Бугунги кунгача мавжуд Мирзо Улуғбек мадрасаларида тўлиқ

мукаммал архитектуравий услубни кўришимиз мумкин. Ундан кейинги давр қурилишларида асосан Мирзо Улуғбек яратган архитектуравий шакллар қайтарилган. Бу давр мадрасалари ички ҳовлили ёпиқ тўртбурчак бинодан иборат бўлиб, атрофида талабалар яшайдиган хужралар, бурчакларида эса кенг дарсхоналар жойлашган. Ҳовлининг асосий ўқида чуқур равоқли айвонлар бўлган. Баъзида уларнинг сони тўрттагача етган. Йилнинг иссиқ вақтида айвонлар ўқув машғулоти ўтадиган ярим очик дарсхоналар вазифасини ўтаган. Мадрасалар таркибида масжидлар ҳам бўлган.

Профессор А.С.Ўролов бу давр архитектурасини куйидагича таърифлайди: “Мирзо Улуғбек ўзининг бунёдкорлик фаолиятини шаҳарсозлик, меъморчилик, боғ-истироҳатчилиги, қайта тиклаш ва таъмир ишлари, тасвирий санъат ва наққошлик каби соҳаларда кенг кўламда олиб борди. Шуниси муҳимки, у бу ишларни нафақат пойтахт Самарқандда, балки Шаҳрисабз, Бухоро, Ғиждувон, Ясса, Марв, Занги ота каби шаҳарлар ва қасабаларда олиб бориб, айна пайтда эл-юрт маъмурчилиги ва фаровонлигига авж берди. Самарқандда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг мавқеи ва унда қўлга киритилган ютуқлар бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилганлигининг далилидир”.*

Маълумки, Мирзо Улуғбек томонидан яратилган уч мадрасанинг ҳажмий жиҳатдан бир-бирига ўхшамаслиги, улар ўша жой аҳолиси сони инобатга олингани ҳолда қурилганидир. Шунингдек, мадрасаларнинг ҳажмига қараб уларнинг тузилиши ҳам ўзгарган. Бу учала мадраса ва мадрасайи-олияда пештоқ қисмининг сезиларли даражада ривожланганлигини, бойиганини кўрамиз. Шунингдек, пештоқнинг жуда безакдорлиги, кириш қисмининг икки ёнида аудитория ёки масжид вазифасини ўтовчи икки катта гумбазли хоналар мавжудлиги, мурабба тарҳли ҳовли, ҳовлини ўраб турган бир ёки икки қаватли равоқлар ва улар ортида жойлашган хужралар асосий услубни белгилаб берган. Барча уч мадрасанинг тарҳлари симметрик тарзда лойиҳаланган.

Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси - бутун жаҳонга машҳур бўлган ўрта асрлар астрономияси ва архитектураси ёдгорлигидир. Ўша даврда Самарқанд расадхонасидек йирик, тузилиши мукаммал ва мураккаб иншоотлар қуришга жазм қилмоқ учун нафақат илми ҳайъат ва риёзиёт, балки муҳандислик билимларини ҳам чуқур билмоқ керак эди. Мирзо Улуғбек расадхонаси ўзининг мазмун-моҳияти, қурилиши ва ҳажми жиҳатидан ўша даврда жаҳонда ягона бўлган.

Бу ерда олиб борилган археологик қидирув ишларининг дастлабки йиллариданоқ астроном, математик олимлар ва айниқса, архитекторлар ўртасида расадхонанинг яратилган дастлабки архитектуравий композицияси ва қиёфаси тўғрисида турли хил қарама-қарши фикр-мулоҳазалар юзага келган. Расадхонада қовлаш ишлари 1908, 1909, 1941, 1948 ва 1967 йилларда олиб борилган. Расадхона диаметри 48 метрни ташкил этадиган думалок шаклга эга бўлган. Уни график тиклаш лойиҳалари устида бир қанча олимлар

*Ўролов А., Хожихонов М. Улуғбек яратган маънавият -Т.: 1994, 82-бет.

изланишлар олиб боришган ва ҳозирги кунда ҳам изланишмоқдалар. Кўпгина таниқли олимларимиз томонидан расадхонанинг 3, 6 ва 7 қаватли график реконструкциялари ишлаб чиқилган. Таниқли олим П.Ш.Зоҳидовнинг фикрича эса “Улкан иншоот” деб аталган ушбу бино аслида бир қаватли бўлган. Бу борадаги тортишувлар ва изланишлар ҳали охириги ечимини топганича йўқ.

1409-1449 йилларда Мовароуннаҳрда диний обидалар меъморлиги. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда диний обидалар - масжид, мақбара ва хонақоҳлар бунёд этишга ҳам жуда катта эътибор берган. У бундай турдаги обидаларни Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларида қурдирган. Самарқандда Регистон майдони таркибидаги хонақоҳ, Муқаттаъ масжиди ва Шоҳи зинда мажмуасига кирувчи иншоотлар, шунингдек Хўжа Абди Дарун ва Чўпон ота мақбаралари, Шаҳрисабз шаҳрида Кўк гумбаз масжиди ва Гумбази Сайидон мақбаралари, Тошкентдаги учта мақбара: Занги ота, Анбарбиби, Қалдирғочбийлар ва Уккоши масжиди диний обидалар сирасига киради.

Мирзо Улуғбекнинг Регистон майдонида олиб борган ишлари таҳсинга лойиқдир. У бу ерда бир нечта иморатларни уйғун тарзда мувозанатлаштириб, ўзига хос меъморий ансамблларни юзага келтиради. Бу иморатлар қаторида ҳозирда сақланмаган Муқаттаъ масжиди, карвонсарой, ҳаммом ва хонақоҳ ҳам бўлган. Масжид ҳақида Бобур Мирзо ўз Бобурномасида қимматли маълумотлар қолдирган. “Муқаттаъ” деган ном “ўймакор” маъносини англатади. Зеро масжиднинг бутун усти ёғоч ўймакор нақшлар билан қопланганди. Самарқандда кейинроқ қурилган гузар мажмуалари билан солиштирганда Муқаттаъ масжиди қишки хонақоҳ ва меҳробли устунли галереяга эга бўлган. Бобурнинг гувоҳлик беришича, ўймакор устун ва шифтлар ислимий ва хитой нақшлар билан безатилган эди. Бундан XV асрнинг 1-ярмида ёғоч ўймакорлиги санъати нақадар ривожланганлигини англашимиз мумкин.

Темурийлар қурдирган мақбаралар шаклланиш композицияси бўйича иккига бўлинади: бир хонали ва кўп хонали (Самарқанддаги Оксарой, Ўлжа энага, Ишратхона ва бошқалар) мақбаралар. Бир хонали мақбараларнинг ўзи икки хил кўринишга эга: чортоқ кўринишида (Рухобод, Чўпон ота, Қалдирғочбий ва бошқа мақбаралар) ва гумбазли – пештоқли (Шоҳи зинда мажмуасида қурилган мақбараларнинг асосий қисми, Шаҳрисабздаги Шамсиддин Кулол ва Гумбази Сайидон, Марв яқинидаги Асҳоблар мақбаралари).

Мирзо Улуғбек томонидан Кеш, яъни Шаҳрисабз марказида Дор ут-тиловат мажмуаси қуриб битказилган. 1435-36 йилларда Кулол мақбараси қаршисида жоме масжиди бунёд этилиб, ундаги ёзувларда Мирзо Улуғбек ва унинг отаси Шохруҳ номлари тилга олинган. Шайхнинг мақбараси ёнида эса янги мақбара қурилган.

Шоҳи зинда мажмуаси композициясининг яқунланишини Мирзо Улуғбек даври белгилаб берган. Бу ердаги бир неча иншоот XV асрга мансубдир. XIV-XV асрларда Шоҳи зинда аёллар қабристони, яъни

темурийлар хонадонининг бекалари дафн этиладиган масканга айланган. Регистон ва Дор ут-тиловат каби меъморий ансамбл тарзида ташкиллаштирилган мажмуалардан фарқли ўлароқ, Шоҳи зинданинг қайси тарафидан боқманг, у янги шакл ва тузилишларда намоён бўлади. Шоҳи зинда бу жиҳатдан нодир иншоот саналиб, унда Мирзо Улуғбек даври меъморларининг ҳиссаси ва маҳорати мужассам топган.

Фалакиётшунос олим Тошкентда ҳам қурилиш ишларини олиб борган. Улардан учта кичик мақбара ва бир масжид сақланиб қолган. Мақбаралардан иккиси шаҳар ташқарисидаги Занги ота қишлоғи ёнида жойлашган Занги ота мажмуаси таркибидадир. Шу ном билан аталувчи мақбара ёнида Анбарбиби, яъни унинг рафиқасининг мақбараси жойлашган. Афсоналарга кўра, бу икки мақбара Амир Темур номи билан боғлиқ. Аммо меъморий жиҳатларига қараганда иншоотлар Соҳибқирон ҳукмронлигининг сўнгги йилларига ёхуд Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади.

Мирзо Улуғбек томонидан Самарқандда ўз номи билан аталган мадраса қаршисида хонақоҳ қурилган бўлиб, у бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Улуғбек даврида дунёвий иншоотларнинг меъморий ечимлари. Афсуски, XV асрнинг 1-ярмида Мирзо Улуғбек томонидан қурилган дунёвий иншоотлар: карвонсарой, работ, ҳаммом, бозор, тим, ҳовуз ва турар-уйлар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Турли хил тарихий китоблар ва миниатюралар орқали уларнинг қандай кўринишга эга бўлганлиги ҳақида фикр юритишимиз мумкин ҳолос.

Карвонсаройлар шарқ давлатларида савдо-сотик билан боғлиқ бўлган бинолар гуруҳининг ажралмас бир бўлаги бўлган. Бу типдаги обидаларнинг кўп қисми темурийлар томонидан барпо этилган. Регистон майдонининг шимолий қисмида Мирзо Улуғбек Мирзои карвонсаройини қурдирган. Бу карвонсарой XV асрда мадраса ва хонақоҳ билан биргаликда бир мажмуани ташкил этган. Археология тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу давр турар-уйлари ҳам ҳовлили қилиб қурилган. Қурилиш материаллари сифатида пахса, хом ғишт ва синч ишлатилган. Мўъжаз расмларга эътибор берсак, уйлар кўпинча икки ошёнли, болаҳона ва дарвозахонали қилиб қурилганлигини кўрамиз. Ёғоч камчилроқ жойларда ишлатилган, баъзи хоналар гумбаз ва тоқлар билан ёпилган. Айвон ва балконлар кенг қўлланилган. Баъзи бир бой хонадонлар ҳовлиларида пешгоҳлар қилиниб, ҳовузлар билан безатилган. Очiq айвонлар XV асрга мос учли равоқлар, тишли кунгуралар ва турли хил кошин безаклари билан безатилган.

Шарқ мамлакатларида доимо бозорлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Улар темурийлар шаҳарлари тузилишида асосий бўғин ҳисобланган ва асосий кўчалар бўйлаб ёки уларнинг кесишувида жойлашган. Бозорларни қуришда қурувчилар олдида одамлар ва карвонлар юриши учун кўчалар, қуёшнинг тушиши, савдо расталари жойлашиши каби бир қатор вазифалар турган.

Мусулмон Шарқидаги ҳаммомлар худди Римда бўлгани сингари нафақат покланиш жойи, балки ҳордиқ чиқариш ва суҳбатлашиш маскани ҳам бўлган. Ўрта Осиё ҳаммомлари ҳақида XV–XVI асрларда Самарқанд, Шахрисабз,

Бухоро, Тошкентда қурилган ҳаммомларнинг қолдиқлари гувоҳлик беради. Уларнинг айримлари қайта таъмирланиб ХХІ асрда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларда ечиниш кийиниш жойлари, массаж учун мўлжалланган тоқчалар, суҳбат масканлари бўлган. Ўша давр миниатюраларига кўра, ҳаммомларнинг девор ва марказий зал шифтлари қандайдир сувга чидамли бўёқлар ёрдамида безатилган. «Бобурномада» Самарқанд Регистони ёнида Мирзо Улуғбек томонидан қурилган ҳаммом тавсифи келтирилиб, унинг поли қимматбаҳо тошлардан зийнатланганлиги баён этилади.

Бўлим бўйича хулосаларда темурийлар даври архитектураси нафақат ўзининг янги шаҳарсозлик ғоялари, мажмуасозлик маҳорати, ҳашаматли иморатсозлиги, турли-туман қурилмалар ва нақшу-пардоз воситаларининг яратилиши билан ажралибгина қолмасдан, ўзидан кейинги даврларда бошқа ёндош давлатлар меъморчилиги тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлиги келтирилади. Шунингдек, Амир Темур даврида биноларнинг ҳашаматли бўлишига кўпроқ эътибор берилган бўлса, XV асрнинг 1-ярмида Мовароуннаҳрда улар ҳажмий жиҳатдан ихчамлаштирилган ва конструктив томондан чидамлилиги анча оширилган. Буни биз ўша давр обидаларининг аксарияти ҳозирги кунгача сақланиб келаётганлигидан ҳам англашимиз мумкин. Мирзо Улуғбек даври архитектураси ўзининг тарихий қиймати, бадиий-меъморий жиҳатдан юксаклиги, хушбичимлиги, жуда бой безаклари, бу безакларнинг ҳажм сатҳларига мослиги, яъни меъморий мутаносиблиги билан ажралиб туради.

МИРЗО УЛУҒБЕК ДАВРИ МЕЪМОРИЙ БЕЗАКЛАРИ

Бўлимда бу давр ёдгорликларида қўлланилган турли хил безаклар ва юлдузсимон шаклдаги гириҳ безакларининг ортогонал текисликларда пайдо бўлиш масалалари, шунингдек мустақиллик йилларида шаҳарларнинг “тарихийлашув” жараёнида Мирзо Улуғбек қурдирган иншоотларнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

Улуғбек даври архитектурасига хос безаклар. Темурийлар даврида асосий архитектура иморатларини ташқи ва ички безакларсиз тасаввур қилиш кийин. Бу даврда Ўрта Шарқда кошинкорий безаклар юксак даражада ривожланган. XIV–XV аср обидаларида безакларнинг текис юзаларга ва ҳажмларга мослигини кўрамиз. Уларнинг нақшинкор қурилмалари архитектуравий шаклларни идрок қилишга ёрдам берса, ранг-баранглиги шакллар кўринишини янада кучайтиради. Темурийлар даврида рангли кошин безакларининг турли хиллари изланди ва яратилди. Ўша давр архитектурасида асосан кўк, мовий ва оқ сирли ғиштлар текис юзаларни безатишда кўпроқ ишлатилган. Шунингдек, оч кўк, мовий, оқ, сарик, қора каби ранглардан девор нақшларини ишлашда кенг фойдаланилган. Ўймакор кошинларни яратишда эса кўк, мовий, оқ, камроқ яшил, сарик, қора, баъзи жойларда қизил ва тилло ҳал ранглардан кенг фойдаланилган. Иморатларни безатишда баъзида мармар плиткalar ҳам қўлланилган. Кошинкор мозаика безаклари темурийлар давлатига Эрондан кириб келган ва кенг ёйилган. Улар

бу ерда олдинги даврларга ўхшаб геометрик, эпиграфик ва ўсимликсимон мотивларнинг синтезлашган кўринишида намоён бўлсада, янги бадий сифатга эга бўлган.

Г и р и х – геометрик нақш ҳисобланиб, унинг келиб чиқиши ўрта асрларда математиканинг равақ топишига боғлиқ бўлган. Бу безак XI–XII асрларда Шарқда кенг ривожланган. Темурийлар даврида гириҳ яна ҳам мукамалроқ даражада ишланиб, унинг турли хил янги қурилиш услублари яратилган. XIV–XV асрларда гириҳ нақшлари катта кўламдаги текис юзаларда, минораларда, пештоқларнинг олд ва ён юзалари, равоқ ости текисликларида кенг қўлланилган. Ёиштларнинг терилиш техникасининг ўзи гириҳ нақшларини келтириб чиқарган. Текис юзаларда улар кўпинча вертикал ва горизонтал ўқларга параллел равишда олинмасдан, балки кўпроқ 45 градус бурчак остида ишланган. Миноралар ҳам шу тарзда безатилган. Агар биз аксарият миноралар юқорига қараб ингичкалашиб боришини эътиборга олсак, бу безаклар минора шаклини яна ҳам юқорига қараб ўсиш жўшқинлигини оширган.

Мирзо Улуғбек даври иншоотларида меъморий безаклар Амир Темур давридаги хусусиятларни давом эттиради. Мазкур иншоотларнинг безаклари оддийлиги билан ажралиб туради. Аммо уларда асосий ранг хусусиятлари мужассам бўлган. Безаклар асосан чарҳланган ёишт ва томонлари мовий, кўк, оқ, қора нақшлар билан қопланган ёиштлардан иборат бўлган. Айнан улардан гириҳ каби шакллар ва куфий ёзувлар ташкил топган. Деворий безаклар, равоқлар қанослари, карнизлар кўп рангли сирли кошинлар ва ўймакор нақшлар билан тўлдирилган. Юқоридаги ташқари, уларнинг ранглари шунингдек сариқ ва яшил, баъзида қизил ва тилло ранг билан тўлдирилган. Нақшлар асосан юлдузсимон гириҳлар, ислимий безаклар ва сулсий каби нодир ёзувларни ўз ичига олган. Мазкур безаклар тарзларда, баъзида интерьерларнинг панелларида ёки меҳроб тахмонларининг беагида мужассам бўлган.

Мирзо Улуғбек яратган масжиду мадрасалар, хонақоҳ, расадхона, ҳаммом, боғ-саройлар, мақбараларга боқсак ўша даврда тасвирий ва наққошлик санъати нақадар даражада ривожланганлигини кўрамиз. Тарихий обидаларимизнинг маънавиятни оширишдаги ўрни жуда ҳам катта бўлган. Уларнинг тарз безакларида шу қадар маъноли ҳикматлар ва оятлар ёзилганки, ҳар бир инсон уларни ўқиб ўзига маънавий озуқа олиши мумкин бўлган.

XV асрнинг 1-ярми архитектура ёдгорликлари пештоқидаги юлдузсимон нақшларнинг шаклланиши. XV асрнинг 1-ярмида Мовароуннаҳрда илм-фан анча равақ топди. Ҳаммамизга маълумки архитектуранинг математика билан боғлиқлиги жуда муҳимдир. Яъни мукамал архитектуранинг яратилиши аниқ математик ҳисоб-китоблар натижасидир. Ўрта асрларда етук математикларнинг ижодлари архитектуранинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Бу ерда Мирзо Улуғбек раҳнамолигида бир қанча олимлар яшаб ижодий фаолият олиб боришди. Улардан бири буюк математик олим Жамшид Коший бўлиб, унинг

“Мифтох ал-ҳисоб” – “Ҳисоб калити” номли асари диққатга сазовордир. У беш китобдан иборат бўлиб, архитектура тарихи, назарияси ва амалиёти соҳасига бевосита тўртинчи китоб тааллуқлидир. Бу китоб “Ўлчовлар ҳақида” деб номланиб, геометрик ҳажмлар ва майдонларни ўлчашга бағишланган. Китобнинг охириги унча катта бўлмаган тўққизинчи бўлими архитектура назарияси нуқтаи-назаридан анча қизиқарлидир. У бино ва қурилмаларни, архитектура қисмларини ўлчашга бағишланган. Фанда бу бўлим равоқ ва гумбазларни ўлчаш йўллари, муқарнас юзаларини топиш бўйича машхурдир.*


Марказий Осиёда Л.И.Ремпель, Ш.Е.Ратия ва В.Л.Воронина архитектурада уйғунлик масалалари ва шакллар мутаносиблигининг биринчи тадқиқотчиларидандир. Улардан сўнг Ўрта Осиёда М.С.Булатов, П.Ш.Зоҳидов, К.С.Крюков, Г.А.Пугаченкова, И.Е.Плетнев, В.М.Филимонов, М.Қ.Аҳмедов ва А.С.Ўроловлар шу соҳада изланишлар олиб боришган. Бу олимлар архитектурада геометрик уйғунлаштириш ва шакллар мутаносиблигининг мавжудлигини исботлашган.

XIV-XV асрларда обидаларни безатишда гириҳ нақшларидан кенг фойдаланилган. Бу нақш бўйича биринчи тадқиқотчилардан бири Г.И.Гагановдир. У геометрик нақшларнинг қурилиш услубларини очиб беришга ҳаракат қилган. Устоз олим П.Ш.Зоҳидовнинг фикрларича, гириҳ нақшларини яратишда меъморларнинг асосий мавжуд услубларидан бири – бу қоғоз буклаш йўли бўлган. Қоғозни иккига буклаш ва яна ўз ҳолига қайтариш орқали тўғри чизик ҳосил бўлиши ва бошқа шу каби кўпгина мисолларни устоз келтириб ўтган.


Мирзо Улуғбек астрономияга қизиққанлиги сабабли ўзи қурдирган обидалар пештоғини безатишда осмон жисмлари, яъни катта-кичик 5, 10 ва кўп қиррали юлдузлардан фойдаланган. Бундай безакларни биз Самарқандда – Мирзо Улуғбек мадрасайи-олияси ва Шоҳи зинда мажмуасига кириш қисмида, Тошкентда – Занги ота мақбарасида, Шаҳрисабзда – Кўк гумбаз масжидида кўришимиз мумкин. XV асрнинг 1-ярмида Кўк гумбаз масжидида қўлланилган юлдузсимон безакларни кейинчалик XVI асрларда қурилган Тошкентдаги Кўкалдош ва Бухородаги Мир Араб мадрасаларида ҳам учратишимиз мумкин. Фақатгина бу обидалар пештоғи қаносида Кўк гумбаз масжидидаги юлдузсимон безаклар 90 градусга бурилиб ишланган. Мирзо Улуғбекгача муқарнас безакларида ишлатилган тарҳий юлдузсимон безаклар бу даврда тарзий безаклар қаторига қўшилди. Маълумки, ўрта асрларда обидаларни яратишда “о л т и н н и с б а т” деб аталувчи қонундан кенг фойдаланилган. Қадимда меъморлар бу нисбат ёрдамида обиданинг эни, бўйи ва баландликларини топишгани ҳозирда ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, бу нисбат турли геометрик нақшларни яратишда ҳам қўлланилган. Изланишлар шуни кўрсатдики, 5 ва 10 қиррали юлдузсимон нақшларни яратишда олтин нисбатдан ҳам фойдаланилган бўлиши мумкин

* Зоҳидов П.Ш., Пулатов Х.Ш. *Муқарнас в архитектуре Узбекистана (X-XX вв.), рукопись.* -Т.:2002, 15-бет.

экан. Буни биз қуйидаги чизмалардан билиб олишимиз мумкин:



1-расм. Айланани тенг 5 томонли бурчакга бўлиш



2-расм. Айланани тенг 10 томонли бурчакга бўлиш

Бу икки чизмаларни таҳлил қилиб кўрайлик. А нуқтани марказ қилиб олиб радиуси АВ кесма узунлигида бўлган айлана чизамиз ва бу кесмани шундай бўламизки, унда бу икки кесма олтин нисбатда бўлсин. Яъни $AB:BC=BC:AC$ бўлади. Олтин нисбатда бўлган кесмаларнинг кичиги АС кесма айлана марказига яқин қисмида жойлашиши лозим. В нуқтани марказ қилиб олиб ВС кесма узунлигида айлана чизамиз ва айланаларнинг кесишган нуқталари D F ни туташтирамиз. Мана шу DF кесма узунлиги айланани тенг беш томонли кўпбурчакга бўлади (1-расм). Худди шу усул билан топилган D ва F нуқталарни В нуқта билан туташтирсак, бу DB ва BF кесмалар айланани тенг томонли 10 кўпбурчакга бўлар экан (2-расм). XV асрнинг 1-ярми архитектуравий ёдгорликларини безатишда юлдузсимон нақшлар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар биноларнинг асосий кириш пештоқлари қаносини жуда ажойиб тарзда беаб турган.

Мустақиллик даври архитектурасида Мирзо Улуғбек қурдирган биноларнинг ўрни ва роли. Мустақилликга эришганимиздан сўнг, меъморий ёдгорликларда қисқа вақт ичида олиб борилган ободончилик ва таъмирлаш ишлари таҳсинга лойиқдир. Жумладан, 1993-1994 йиллари Мирзо Улуғбек томонидан қурилган Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувондаги мадрасалар ва мадрасайи-олияда катта таъмирлаш ишлари олиб борилди, бу жойлар обод бўлди. Самарқанд шаҳри меъморий ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш доирасидаги ишлар кўлами алоҳида эътиборга лойиқдир. Самарқанддаги Мотрудий мақбарасининг асл жойи топилди ва у ўз ўрнига қайта тикланди. Эски шаҳар маҳаллаларидаги масжидлар ҳам қисман таъмirdан чиқарилди, улар қошида обод ва шинам меъморий муҳитлар яратилди. Имом ал-Бухорий масжид-мадрасаси комплексининг қайта қурилиши ва тикланиши нафақат Самарқандда, балки Республикамизда яратилган улкан бир меъморий асар бўлди. Биргина Шоҳи зинда меъморий

мажмуасида олиб борилган таъмирлаш ва қайта тиклаш собиқ иттифок даврида бу соҳада бажарилган барча ишлар кўламидан анча каттадир. Шунингдек, Гўри Амир ансамбли, унинг ёнидаги Оқсарой мақбараси, Регистон майдонидаги меъморий обидалар мажмуаси, Амир Темур жоме масжиди ва Бибихоним мадраса-мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси, Хўжа Аҳрор Валий меъморий мажмуаси, Хўжа Абди Берун ва Хўжа Абди Дарун обидалари ҳам таъмирланди. Шунингдек, 2010 йил Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек расадхонаси таъмирланиб, унга қўш услубида янги музей очилгани, унинг ҳайкали ўрнатилганлиги катта тарихий воқеа бўлди.

Истиқлол йилларида Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳам таъмирлаш, тиклаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Жумладан, Шаҳрисабзда XV асрнинг 1-ярмига тааллуқли тарихий ёдгорликлар Оқсарой, Дор ус-сиёдат ва Дор ут-тиловат каби меъморий мажмуалар таъмирланиб, атрофлари ободонлаштирилди. Тошкент шаҳридаги Занги ота, Шайхонтохур ва Ҳазрати имом мажмуалари ўзининг янги қиёфасига кирди.

Бўлим бўйича хулосаларда Мирзо Улуғбек даври айрим безаклари олдинги давр безакларидан фарқ қилиб осмон жисмлари шаклидан келиб чиққан ҳолда яратилганлиги келтирилади. Асосий пештоқ қаносларидаги юлдузсимон безаклар бунга мисол бўлади. XV асрнинг 1-ярмида Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган обидаларда полихромли (ранг-баранг) ва бир рангдаги безак унсурлари бир-бирига уйғун тарзда қўлланилганлиги, шунингдек Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари истиқлол йилларида ўз қиёфасига қайтарилаётганлиги таъкидланади.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР

Иқтидорли олим Мирзо Улуғбекнинг илмий ва маданий меъроси ҳозирги кунда бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқардик:

- Амир Темур ва темурийлар даври архитектураси ўзининг янги шаҳарсозлик ғоялари, мажмуасозлик маҳорати, ҳашаматли иморатсозлиги, турли-туман қурилмалар ва нақшу-пардоз воситаларининг яратилиши билан ажралиб туради.

- Темурийлар даври шаҳарсозлиги олдинги давр шаҳарсозлигига таянган. Бу давр шаҳарлари тузилишини мудофаа деворлар, дарвозалар, майдонлар, мажмуалар, маҳаллалар, кўчалар, мавзелар, турар-уйлар, маъмурий-маиший иншоотлар, суғориш тизимлари, боғлар ва ўк йўналишдаги кўчалар белгилаб берган. Шаҳарлар структуравий тузилишига кўра 3 қисмдан: Арк, Ҳисор ва Рабоддан ташкил топганлиги бу даврда муқим тартибга кирган.

- Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд шаҳри рабоди айниқса ривож топиб, унинг функцияси ҳам кенгайган. Бу даврга келиб рабодларда нафақат савдо иншоотлари, боғлар, балки кўплаб кўшклар ва илмий иншоотлар ҳам бунёд этила бошланган.

- Мирзо Улуғбек даврида қурилган ёдгорликлар олдинги даврдагига нисбатан меъморий мутаносиблиги жиҳатидан кучли эканлиги билан ажралиб туради.

- XV асрнинг 1-ярмидаги обидалар ихчамлашиб, уларнинг конструктив мустаҳкамлиги анча ошган.

- Бу давр Самарқанд шаҳрида жойлашган Шоҳи зинда мажмуаси композициясининг якунланишини белгилаб берган.

- Темурийлар даврида дам олиш объектлари - кўшклар қурилиши яна ҳам ривожланган. Мазкур диссертацияда Мирзо Улуғбек қурдирган Чилсутун кўшқини график қайта тиклашга муваффақ бўлинди.

- Илм-фанга катта эътибор берган Мирзо Улуғбек мадрасалар бунёд этишга ҳам алоҳида аҳамият берган. Мадрасаларнинг ҳажмий жиҳатдан катта ёки кичикроқ қилиб қурилиши, уларнинг тузилишларида ҳам бир-биридан фарқли томонлари мавжудлигини келтириб чиқарган. Буни биз Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон мадрасаларини таҳлил қилсак кўрамиз.

- Ўрта асрларда яратилган ёдгорликларнинг инсон тафаккурини оширишдаги роли жуда катта бўлган. Уларнинг тарзларига ёзилган маъноли ҳикматлар ва оятларни ўқиган ҳар бир инсон ўзига маънавий озуқа олган.

- Мовароуннаҳрда темурийлар даврида қурилган обидаларнинг безаклари жуда мукаммал тарзда ишлаб чиқилган. Турли хил безак турларини бир-бирига уйғунлаштириш масаласи юқори даражада ҳал этилган.

- Математика ва бошқа фанларнинг ривожланиши мукаммал архитектурани яратиш омили бўлиб хизмат қилган.

- Бу даврга келиб айрим безаклар осмон жисмлари шаклидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Бу безаклар “юлдузсимон” гириҳ нақшлари бўлиб, улар Мирзо Улуғбекдан кейинги даврларда ҳам кенг қўлланилган. Мисол учун, XVI асрга мансуб Тошкентдаги Кўкалдош ва Бухородаги Мир-Араб мадрасалари пештоқларида ҳам шу типдаги безаклар ишлатилган.

- 5 ва 10 қиррали “юлдузсимон” гириҳ нақшларни яратишда олтин нисбатнинг аҳамияти бор эканлиги аниқланди. Мазкур тадқиқотда олтин нисбат ёрдамида гириҳ нақшларини яратиш услуби ишлаб чиқилди.

- Мирзо Улуғбек замонида ундан олдинги даврларда мукарнасларда мавжуд бўлган тарҳий юлдузсимон безаклар тарзий безакларга айлантирилган. Бу безаклар асосан пештоқ қаносини безашда қўлланилган.

- XV асрнинг 1-ярмида ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Регистон майдонидаги Муқаттаъ масжиди тўлиқ шу услубда безатилган эди.

- Мустақиллик йилларидаги шаҳарлар қиёфасининг “тарихийлашув” жараёнида Мирзо Улуғбек иншоотларининг ўрни ва роли муносиб равишда катта бўлганлиги исботланди.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан тарихий обидаларимизга эътиборнинг оширилиши туфайли уларнинг аксарияти таъмирланиб ва қайта тикланиб ўзининг тарихий қиёфасига қайтарилмоқда. Қиймати жуда баланд бўлган ёдгорликларимизни келажак авлодларга бус-бутун ҳолда етказиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Қафқол Шоший мақбараси. 12 томлик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005. Т.10. Б. 620-621.
2. Маматмусаев Т.Ш. Қирққиз қалъаси. 12 томлик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005. Т.11. Б. 13-14.
3. Маматмусаев Т.Ш. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси архитектураси // Замонавий шаҳарсозликда архитектура ёдгорликларининг ўрни / ТАҚИ илмий ишлар тўплами. –Тошкент, 2007. –Б. 86-88.
4. Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек кўши архитектураси // Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2007. - №3-4. – Б. 4-6.
5. Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек яратган мадрасаларнинг архитектуравий ечимлари // Архитектура-қурилиш фани ва давр / ТАҚИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16-17.
6. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даврида боғсозлик санъати // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. –Тошкент, 2009. -№6. – Б. 30-31.
7. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Темурийлар давридаги шаҳарларнинг архитектуравий-режавий тузилиши // Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2009. - №3-4. – Б. 4-8.
8. Mamatmusaev T.Sh. Ta'mirlash mashg'ulotlarida kompyuterdan foydalanish // Darslik. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. – Toshkent, 2009. 192-195 b.
9. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш (лойиҳа)” фанидан мустақил ишни бажариш бўйича услубий кўрсатма. –Тошкент, 2009. –12 б.
10. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даври меъморчилиги // Мозийдан садо. - Тошкент, 2010. - №2-3 (46-47). – Б. 41-44.

Архитектура номзоди илмий даражасига талабгор Маматмусаев Тохир Шайдуловичнинг 18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ихтисослиги бўйича “Улуғбек даври архитектураси (XV асрнинг 1-ярми)” мавзусидаги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг мухим) сўзлар: арк, хисор, рабод, чақар, роҳ, хиёбон, архитектуравий мажмуалар, турар-уйлар, кўшк-сарой, майдон, масжид, мадраса, макбара, карвонсарой, чорбоғ, бозор, ҳаммом, расадхона, чордара, мурабба, динамик квадратлар катори, ошиён, ортогонал, юлдузсимон безак, миниатюра, олтин кесма.

Тадқиқот объектлари: XV асрнинг 1-ярмидаги тарихий шаҳарлар (Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шаҳрисабз) нинг схематик кўриниши, улар таркибидаги архитектуравий мажмуалар ва бошқа ёдгорликларнинг тархӣй ечимлари.

Ишнинг мақсади: Мирзо Улуғбек даври шаҳарсозлиги, меъморчилиги ва безакларининг ўзига хос жиҳатларини комплекс тарзда ўрганиш.

Тадқиқот методлари: Архив, график ва нашрий материалларни ўрганиш, картографик манбаларни таҳлил қилиш ҳамда меъморий обидаларда бевосита кузатив олиб боришдан иборат. Мирзо Улуғбек даври архитектураси Амир Тему́р даври билан қисман таққосланди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: даврлар силсиласида қисман ёки тўлиқ бузилиб кетган, Мирзо Улуғбек даври обидаларини қайта тиклаш имконияти мавжудлиги.

Амалий аҳамияти: ушбу ишни ОЎЮ Архитектура ёдгорликлари тарихи ва таъмирлаш курсларида қўллаш.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: ишнинг асосий тезислари ва унда кўтарилган муаммолар илмий журналлар, конференция материаллари ва бошқа нашрлардаги бир қатор мақолаларда очиб берилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: ўрганилган тарихий-назарий материал, график қисм, ҳамда тадқиқот хулоса ва натижалари Темурийлар даври меъморчилигини ўрганишдаги келгуси ишларда, ушбу давр архитектура ёдгорликларининг тарихи ва таъмирлаш бўйича махсус курсларга қўшимча сифатида ишлатилиши мумкин.

Р Е З Ю М Е

диссертации Маматмусаева Тахира Шайдуловича на тему: «Архитектура эпохи Улугбека (1-половина XV века)» на соискание ученой степени кандидата архитектуры по специальности 18.00.01 - Теория и история архитектуры, реставрация памятников архитектуры

Ключевые слова: арк, хисар, рабад, чакар, рох, аллея, архитектурные комплексы, жилые дома, кёшк-дворцов, площадь, мечеть, медресе, мавзолей, караван-сарай, чарбаг, базар, баня, обсерватория, чардара, квадрат, ряд динамических квадратов, ярус, ортогональный, звездообразный орнамент, миниатюра, золотое сечение.

Объекты исследования: схематические виды и планировочные решения исторических городов (Самарканд, Бухара, Ташкент и Шахрисабз) в 1-половине XV века, входящие в них архитектурные комплексы и другие памятники архитектуры.

Цель работы: комплексное методологическое изучение особенностей градостроительной культуры, архитектуры и декора эпохи Мирзо Улугбека.

Методы исследования: изучение архивных, графических и печатных материалов, картографических источников и проведение натурных обследований памятников архитектуры времени правления Мирзо Улугбека. Также частично проведены сравнительные анализы с зодчеством эпохи Амира Темура.

Полученные результаты и их новизна: возможность воссоздания первоначального облика частично или полностью разрушенных памятников архитектуры времени Мирзо Улугбека.

Практическая значимость: применение данной работы в качестве читаемых в ВУЗах курсах по истории и реставрации памятников архитектуры.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные тезисы работы и поднятые в ней проблемы раскрыты в ряде публикаций в научных журналах, в материалах конференций и других изданий.

Область применения: исследованный историко-теоретический материал, его графическая часть, а также сделанные выводы и результаты диссертации могут быть использованы в дальнейших работах по изучению зодчества эпохи Темуридов, как дополнение к специальным курсам по истории реставрации архитектурных памятников данного периода.

RESUME

Thesis of Mamatmusaev Takhir Shaydulovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in architectures on speciality 18.00.01-Theory and history of architecture, restoration of architecture monuments to subject: «Architecture of Ulugbek's epoch (1-half of XV century)»

Key words: arches, hisor, rabod, chaqar, roh, path, architectural complexes, dwellings, kushk-palace, area, mosque, medrese, mausoleum, caravan-shed, charbag, market, bath, observatory, chordara, square, row dynamic square, tier, orthogonal, star-type ornament, miniature, golden section.

Subjects of the research: schematic types and planning of the historical cities (Samarkand, Buhara, Tashkent and Shahrissyabz) in 1-half of XV century, falling into them architectural complexes and other monuments of the architecture.

Aim of the research: illuminate and do the findings of the particularities urban planning and architectures, design of Mirzo Ulugbek's epoch.

Methods of research: to study archival, graphic and publishing materials, to look through cartographic sources and natural examinations of architecture monuments of Ulugbek's epoch. The architecture of Mirzo Ulugbek's epoch is partly compared the analysis with Amir Temur's epoch.

The results achieved and their novelty: realization of the possibility of the reconstructing the initial look on the past partly or total destroyed monument of the architecture, created by Mirzo Ulugbek.



Practical value envisaged in application of the given work as addition to courses on history and restoration of monuments of architecture in universities.

Degree of embed and economic effectivity: the basic theses of work and the problems raised have been disclosed in a number of publications in scientific magazines, in conferences' materials, etc.

Field of application: given theoretical material, graphic part, and also conclusions and results of researches can be used in further works on studying of architecture Amir Temur's epoch, as addition to special courses on history and restoration of architectural monuments of the period.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, архитектура
номзоди, доцент

Ш.З.Нурмухамедова



Чилсутун кўшкини график тиклаш таклиф чизмаси
(Г.А.Пугаченкова тарҳи асосида).

Умумий кўриниши, тарҳи ва қирқими. Муаллифдан

